

• ХОТИРА УЛУҒДИР

# ҚУДДУС БОБО АБАДИЯТИ

Кечагина болалар даврасини яйратиб юрган бетакрор болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ҳаёт бўлганларида куз кунларида тўқсон ёшга тўлар эдилар. Бетакрор деган сифатга атай урғу беришимнинг боиси бор. У табиатан дилкаш одам бўлиб, ҳар қандай сохталикдан, ёлғон-яшиқдан узоқ юрар, шеър ёзганда ҳам, дўстлар даврасида ҳам ўзини бир хил тутар, мақтовга учмасди. Бу ёғини қўйинг-у, ҳатто кўча-кўйда дуч келган жойдан таом емас, вақтини ҳудабеҳуда ўтказмасди. Суҳбат қурганда ҳам бош сўзни болалардан, болалар тарбиясидан бошлар эди.

Шоирнинг яна бир хислати умр бўйи ёзган шеърларини ёддан биларди. Учрашувга борса, соатлаб шеър ўқир, ўқиганда ўзиям завққа тўлиб кетарди. Шу завқни ёш дўстлари қалбига сингдирарди. Ана шунинг ўзиям бетакрорликнинг белгиси бўлса керак.

Қуддус Муҳаммадий деса ўзбекнинг етти ёшидан етмиш ёшигача яхши танийди. Негаки устознинг даста-даста шеърлари «Алифбо», «Ўқиш китоби», қатор бошқа қўлланма-ю дарсликлардан камида етмиш йилдан бери ўрин олиб келади. «Ўқувчига эсдалик», «Дум», «Темирлар ўйини» каби шеърларини билмаган, уни ёд олмаган ўқувчини топиш қийин. Бу гапларни қўяверинг-у, у киши бир дақиқа бўлса-да уйда қолиб кетишни хуш кўрмасди. Ҳали у мактаб, ҳали бу ўқув масканини Қуддус акани учрашувга олиб кетарди. Тошкентда устоз кирмаган, йилда икки-уч марта учрашув ўтказмаган ўқув даргоҳини топиш қийин.

Қуддус ака умрини болалар шеъриятига бағишлади. Ўз дунёсида болаликни олиб юрди. Болаларни эркалатиб шеъру достонлар ёзди. Кейинги йилларда эса «Табиат алифбеси» номи билан беш китоб яратишга киришди. Уни ўзлари «Беш китоб -- эш китоб» ёки болалар «Хамса»си деб атарди.

Ўша беш китоб нашр этилди. Ўқувчилар қўлига тегди. Лекин ижодкорнинг бундан кўнгли тўлмади. То сўнгги нафасигача ўша китобларни қайта кўриб чиқиш нияти билан яшади.

Қуддус аканинг ижодига айниқса, бугун турли қарашлар мавжуд бўлиши турган гап. Балки баъзи асарлари ўз умрини яшаб бўлгандир. Синчиклаб ўқисангиз, шеърларида болаларни эркалатиш оҳанги кучли. Сўнг бахшиёналик ҳам йўқ эмас. Булардан қатъи назар унинг асарлари болалар учун бебаҳо меросдир.

Ўзбек болалар шеъриятининг бобоси бўлмиш шоир агар бугун ҳаёт бўлганларида бизга «Ман элликдан ортиқ китоб битдим, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» бўлдим», деб ҳисоб бермасдилар. Тўппа-тўғри мактаб залига болалар орасига кириб бориб, доимий одат бўйича шеър ўқишни бошлаб юборардилар:

*Ўқувчим, сендан талаб,*
*Мактабга бор эрталаб.*

Бу сатрлар-ку ҳаммамизга маълум. Шеър ўқиш мактабини яратган оқсоқол ҳаяжонланиб кетганларида ўзларини тўхтатолмай қолиб, дуч келган жойидан улаб ҳам кетардилар:

*Шеърий бино қураман,*
*Шеърий кино қураман.*

Қани энди шундан кейин уни тўхтатиб кўринг. Шеърий сатрлар отилиб чиқаверади. Болалар қилт этмай эшитади. Бу Қуддус аканинг сеҳри эди.

Заҳматкаш устоз бетакрорлигининг бизга ўрнак бўладиган яна бир томони у киши ҳақиқий оила бошлиғи эди. Ўзлари меҳнаткаш бўлганларидек, бу хислат болаларига ҳам тўла кўчди.

Бугун у ҳақда қанча кўп гапирсак, бирламчи — устозимиз руҳини шод қилган, иккиламчи — болалар адабиётини улуғлаган бўламиз.

Зеро, Қуддус ака инсон сифатида улуғ, машҳур шоир эди. Бундай хислатлар ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этавермайди.

Қуддус Муҳаммадий қуриб кетган шеърий бино жуда бақувват. Ҳали ундан фақат биз эмас, мустақиллик болалари ҳам кўп баҳраманд бўладилар. Абадийлик шу бўлса ажаб, эмас.

**Сафар БАРНОЕВ.**

• ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

# ҲИЛЛАРИ: ТАНЛАНГАН ЙЎЛГА СОДИҚЛИК

Бугун Ўзбекистонга Ҳиллари Родэм Клинтон -- Америка Қўшма Штатлари Президенти Уильям Жефферсон Клинтоннинг рафиқаси ташриф буюради



Биз бу аёл чеҳрасини телевизор экранлари, газета ва журналларнинг биринчи саҳифаларидаги суратлар орқали тез-тез кўриб турамиз. Шу йил октябрь ойида Қўшма Штатлар 42-Президенти рафиқаси, мамлакатнинг «биринчи хоними» яна матбуот диққат марказида пайдо бўлди -- бу сафар унинг 50-маротаба нишонлаётган туғилган куни сабаб эди.

Ҳар ҳолда Ҳиллари Клинтонни фақат табиий жозибаси билангина дунёда таниқли ва Америкада машҳур дейиш нотўғри бўлур эди. У тўғрисидаги мулоҳазаларни бирма-бир санаб ўтирмасдан яхшиси, Америка жамоатчилиги фикрида унинг номи билан боғлиқ бўлган энг муҳим жиҳатларни ажратиб ўтамиз, холос. Булар: аниқ мақсад сари интилиш, ишбилармонлик, ташкилотчилик қобилияти.

1992 йилда ўз турмуш ўртоғи билан Оқ уйга келгач, Клинтон хоним мамлакат тарихидаги ўзидан аввалги «биринчи хонимлар»нинг анъанавий одатлари ва сиймоларини бутунлай ўзгартириб юборди. Зеро, унинг олдинги «ҳамкасблари» атиги хушмумала аёл, қолаверса, Президент қароргоҳининг «уй бекаси» бўлишган, холос. Ҳиллари Клинтон ниҳоятда қисқа давр ичида бир-йўла ҳам фаол сиёсий, ҳам жамоат арбоби сифатида ўзини танитди.

Хонимнинг ана шу мавқега эришишига авваломбор унинг олдинги йиллардаги ҳаёти асос бўлган. Оддий ўрта ҳол оила вакили бўлган Ҳиллари яхшигина маълумот олган: 1969 йилда Массачусетдаги Веллесли коллежини тамомлади. Орадан тўрт йил ўтгач, Йел университетида ҳуқуқшунослик бўйича докторлик даражасини қўлга киритди. Талабалик йилларидаёқ у жамоат ишларида фаоллик кўрсата бошлайди: талабалар учун кўчма овқатланиш пунктларини ташкил қилади, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларида фаол иштирок этади.

Ҳилларининг университетни тамомлагандан кейинги эгаллаган биринчи лавозими -- Болаларни ҳимоя қилиш Миллий жамғармаси адвокати вазифаси унинг қизиқишлари шаклланишида ва бор кучини бир мақсадга йўналтиришда муҳим роль ўйнади. У АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг ҳуқуқшунослар қўмитасида меҳнат қилган даврида ва Арканзас штати университетининг ҳуқуқшунослик факультетида дарс берган пайтида ҳам ижтимоий муаммоларни ўрганиш ишига содиқ қолди.

Арканзасда Ҳилларининг бугунги кундаги жамоат арбобига хос бўлган сифатлари шаклланди. Унинг касб мавқеи ниҳоятда тез давр ичида кўтарилиб борди -- 1988 йилда Ҳ. Клинтон номи АҚШдаги энг кучли таъсир доирасига эга бўлган юз ҳуқуқшунос рўйхатига кирди. Ўша йилларда у болалар ва катталар ўртасидаги муносабатлар масалалари устида жиддий иш олиб боради, оилавий келишмовчиликларнинг ижтимоий келиб чиқишини ўрганади, болалар ва оилалар учун адвокатлар хизматига асос солади, болалар даволанадиган кўчма шифохонлар ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида Штатнинг таълимни стандартлаш қўмитасига раҳбарлик қилади ва бундан ташқари, болаларни уй шароитида мактабга тайёрлаш дастурини ишлаб чиқади. Ана шу ва бошқа хизматлари эътироф этилиб, Ҳ. Клинтон 1983 йилда «Арканзас штатининг энг машҳур аёли» унвонига сазовор бўлади.

Кейинчалик ҳам бундай шарафли унвонлар ва жамоат мукофотлари камаймади.

Ҳ. Клинтон Оқ уйда ўз фаолияти муқаддимасини соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастур билан бошлади. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, оилани режалаштириш ва мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш Хиллари хоним фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бўлиб қолди.

АҚШ «биринчи хоними»нинг фаолияти халқаро доирада Президентнинг расмий ташрифлари давомидаги «протокол» асосидаги ишлар билан чегараланмайди. Кейинги йиллар мобайнида Ҳ. Клинтон мустақил равишда қатор чет эл сафарларида бўлди ва булар ўзига хос жиддий чиқишлар ва баёнотлар орқали ажралиб турди.

Ҳ. Клинтоннинг 1995 йил сентябрда Пекинда ўтказилган БМТнинг аёллар анжуманидаги нутқини юқорида таъкидланган фикрга мисол қилиб келтириш мумкин. «Конференциянинг мақсади, -- деди у, -- аёлларга ўз тақдирларини назорат қилишда кўпроқ имкониятлар яратиш орқали оила ва жамиятни мустаҳкамлашдир». Ҳ. Клинтон фикрига кўра, «ҳозирги пайтда аёллар муаммосига уни инсон ҳуқуқларидан айри ҳолда қараш керак эмас, деган гапни бутун дунёга айтиш вақти келди... Биз ҳанузгача бутун дунёда аёлларнинг тенг ва тўла ҳуқуқли фуқаро сифатидаги сиёсий иштироки бўйича етарли ўзгаришларга эриша олмадик».

Бу бошқаларни ўргатишга қаратилган баландпарвоз руҳдаги сўзлар, деб билмаслик керак. Зеро, Ҳ. Клинтон ўз мамлакатида ватандошлари диққатини жамиятда юз бераётган мураккаб ва оғриқли жараёнларга қаратмоқда. У бир йил аввал Детройт савдо палатаси мажлисидаги чиқишида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бугунги кунда дуч келинаётган катта муаммолардан бири шуки -- Америка оилаларини заифлаштираётган стресс ҳолати ва нотинчликни, оилани сақлаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилувчи муассасаларни камситаётган кучларни қай йўсинда енгиш кераклигидир».

Ҳ. Клинтонни бутун ҳаёти давомида ўйлантираётган муаммолар АҚШ «биринчи хоними»нинг бизнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ҳам ўрганилиши кутилмоқда. Булар -- умуминсоний муаммолар, дунёвий қадриятлар, аёллар ҳуқуқи, оналик ва болалик муҳофазаси, ёш авлоднинг билим олиши ва таълим соҳаси сифати.

Ушбу мақолани ўтган йили Америкада чоп этилган Ҳиллари Клинтоннинг кўпчилик китобхонларга манзур бўлган «Барчамизни ва болаларимиз бизни ўргатадиган бошқа дарслар» номли асаридан олинган сўзлар билан якунлашни лозим топдик. Асарнинг асосини болалар ҳаётида оила ва жамиятнинг ўрни тўғрисидаги мулоҳазалар ташкил этган. Мана унинг фикри: «Бизнинг ҳар биримиз ҳар бир бола ҳаётида маълум роль ўйнаймиз. Уни тарбиялаш учун эса жамоатчиликнинг ёрдами керак... Фарзандлар оилада фаровонлик бўлса камолга етадилар, бунинг учун эса жамият етарли имкониятлар яратиб бериши лозим».

Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Фақат ана шундай йўл -- кўпчилик билан, ҳамкорликда замонавий жамият муаммоларини ечиш мумкин. Бунда ҳеч бир одамнинг холис ҳаракати ортиқча ҳисобланмайди. Айниқса, бундай одам Ҳиллари Клинтондек ўзига хос инсон бўлса.

**О. ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги шарҳловчиси.**

• ҚОЙИЛ !

# КОМПЬЮТЕРДА ИШЛАЁТГАН ОҚСОҚОЛ

***Ўзбек халқи миллий турмуш тарзининг ёрқин тимсоли бўлмиш маҳаллаларимизда ҳам жуда кўп хайрли ўзгаришлар содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли улар жамият бошқарувида фаол иштирок этаяпти. Ҳатто, нисбатан қисқа вақт ичида бу борада унча-мунча тажрибалар ҳам тўпланди.***





Энг муҳими, бой ва қадимий миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган маҳаллалар ишини ташкил этишда замонавий усуллардан ҳам фойдаланила бошлангани қувонарли ҳолдир. Пойтахт вилоятининг Зангиота туманига қарашли «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини фаолияти билан таниша туриб, ана шу фикр хаёлимиздан кечди.

Маълумки, шу кунларда замонамиз фан-техникасининг энг ноёб ютуқларидан бири бўлмиш компьютер техникаси барча соҳаларга шитоб билан кириб бормоқда. Зотан, эндиликда замонавий тараққиётни ана шу мўъжизакор ускунасиз тасаввур этиш мушкул. Айни пайтда бу нарса маҳаллалар фаолиятида ўз аксини топа бошлабди. «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тошхўжа Иброҳимовнинг хизмат хонасига кириб борганимизда у киши жиддий алфозда олдидаги компьютерда нималарнидир ҳисоб-китоб қилиб ўтирарди. Дастлаб бундан ҳайратимизни яшира олмадик:

«Оқсоқоллар ҳам компьютерда ишлай бошлабдилар-да».

-- Шундай, -- деб кулди у киши. -- Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейишади. Биз ҳам шунга амал қилмасак бўлмайди-да.

Хуллас, йиғин оқсоқолининг қувончи ичига сиғмайди. Энди ҳамма ишларимиз осонлашадиган бўлди, дейди у. Ўзининг айтишича, улар Зангиота туманида биринчи бўлиб бу ишга қўл уришибди. Фуқаролар йиғинига компьютерни совға қилган оталиқ ташкилот -- Тошкентолди чуқур пармалаш геология ташкилоти.

Мазкур фуқаролар йиғини ҳудудидаги мавжуд саккизта маҳаллада ўн уч минг аҳоли истиқомат қилади. Унинг ўзига хос хусусияти, бу ерда шаҳар ва қишлоқ ҳаёти ўзаро уйғунлашиб кетган. Боиси, у шундоққина пойтахтимиз ёнида жойлашган бўлиб, Зангиота туманини Тошкент шаҳри билан боғлаб туради. Ушбу муҳим омилнинг таъсирини эса маҳаллалар турмуш тарзида яққол сезиш мумкин. Жумладан, хонадонларнинг деярли барчаси водопровод ва табиий газ билан таъминланган. Янги тикланаётган уйлар ҳам ана шундай қулайликларга эга бўлиб бормоқда. Яқинда «Бешқўрғон-2» маҳалласига 1800 метр узунликдаги газ қувурлари тортиб келинган бўлса, «Қурилиш-3» маҳалласини эса тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳаракат қилинаяпти. Кўчалар эса тўлиқ асфальтланган. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги 10 та озиқ-овқат, 3 та саноат моллари дўконлари ҳамда 3 та шахсий савдо нуқталарида намунали савдо хизмати йўлга қўйилган. Уларнинг белгиланган саккиз турдаги энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминланишини эса маҳаллалар оқсоқолларидан тузилган махсус гуруҳ доимий равишда назорат қилиб туради. Кейинги пайтларда бу ерда «Ёнғоқ», «Қаҳрамон», «Эркин», «Қуёшли» сингари бир қанча янги, замонавий гузарлар барпо этилди. Улар қошида чойхона, ошхона, сартарошхона, стоматология бўлимлари, этикдўзлик устахоналари каби яна бир қанча турдаги аҳолига хизмат кўрсатиш нуқталари ишлаб турибди.

Фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Эркин» илмий-ишлаб чиқариш агрофирмаси эса чорва маҳсулотлари етиштириш, уруғчилик ва наслчилик билан шуғулланади. Одамларнинг кўпчилиги ўша ерда меҳнат қилиб, мўмай даромад олишмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда йигирмадан зиёд катта-кичик ташкилотлар, ўндан ортиқ шахсий фирмалар ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун бўлса керак, фуқаролар йиғинидаги маҳаллаларда истиқомат қиладиган ишга яроқли кишиларнинг барчаси ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Шунга яраша, хонадонларнинг моддий фаровонлиги ҳам анча юқори.

Маҳаллаларда миллий қадриятларимизни жонлантириш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда турли хил тўй-маъракаларни ихчам, камчиқим қилиб ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Бу ўринда М. Исломбеков, М. Мирзакаримов, Т. Давронов, И. Бегматов, А. Саидазимов ва Ш. Исроилов сингари жонкуяр оқсоқолларнинг хизматлари таҳсинга сазовор.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.**

• ТЕАТР

# «ҲАЁТ — ЭШИК ОРТИДА»

Ҳамза номидаги ўзбек Академик драма театрида Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «Ҳаёт -- эшик ортида» драмаси асосида тайёрланган спектакль томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиев режиссёрлик қилган бу асар оддий ўзбек оиласи мисолида бугунги ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилади.

**М. ШАРИФОВА,**
**ЎзА мухбири**




# САНЪАТ АҲЛИГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Низомига биноан, Ватанимизнинг тасвирий, амалий, меъморчилик (архитектура), дизайн, мусиқашунослик, санъатшунослик соҳаларининг Ўзбекистон мустақиллиги даврида энг фаол ижод намуналарини намоён қилган ижодкор вакиллари Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳар икки йилда бир марта тақдим этиладиган олтин, кумуш медаллари ҳамда дипломларига сазовор бўладилар.

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг юксак совринлари бу йил, илк бор қуйидаги санъат намояндалари ва санъатшунос олимларга насиб этди:

**Олтин медалга:**

**Саидолим Шарипов** -- ҳайкалтарош;
**Ортиқали Қозоқов** -- рангтасвирчи;
**Леким Ибрагимов** -- рангтасвирчи.

**Кумуш медалга:**

**Лутфулла Абдуллаев** -- рангтасвирчи;
**Медат Кагаров** -- график;
**Муборак Йўлдошев** -- рангтасвирчи;
**Ғайрат Бойматов** -- график;
**Евгений Мельников** -- рангтасвирчи;
**Зуҳриддин Исломшиков** -- рангтасвирчи;
**Абдураҳим Умаров** -- ганчкор-уста;
**Самиғ Абдуллаев** -- рангтасвирчи;
**Тилаб Маҳмудов** -- санъатшунос.

**Дипломларга:**

**Тўлаган Тожихўжаев** -- ҳайкалтарош;
**Хушрўя Маматова** -- рангтасвирчи;
**Римма Гаглоева** -- рангтасвирчи;
**Солиҳ Ҳабибулло** -- ҳаттот;
**Аслиддин Исаев** -- рангтасвирчи;
**Иброҳим Валихўжаев** -- рангтасвирчи;
**Ғофур Абдураҳмонов** -- рангтасвирчи;
**Энгел Исҳоқов** -- график;
**Қудрат Асроров** -- кулол;
**Абдуманнон Назаров** -- санъатшунос;
**Абдуқаҳҳор Турдиев** -- архитектор;
**Владимир Петров** -- рангтасвирчи.

М. САФАРОВ.

(Газетанинг навбатдаги сони 14 ноябрь — жума куни чиқади).

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, тиббиёт, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Руйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0747, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи —Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ —Ф. Бободўстов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6